

Шайх Аввоманинг талабаларга насиҳати



13:05 / 13 октябрь 1574

Фақиҳ олимлардан Алий ибн Абу Зиё Нуриддин Шабромаллисий Қоҳирий ҳазратлари 1589 йили Қоҳиранинг ғарбий қисмидаги Шабромаллис қишлоғида дунёга келади. Уч ёшда сувчечакка чалинади. Ёшлигида кўздан қолиб, бутун умр ана шу зайлда яшади. Лекин Аллоҳ таоло у зотга кўз нури эвазига қалб нурини ато қилди. У ёшлик пайтидаёқ Қуръони Каримни ёд олади. 1008 ҳижрий санада отаси ҳамроҳлигида Мисрга келади. У ерда «Шотибийя», «Хулоса», «Баҳжа ал-Вардийя», «Ал-Минҳаж», «Нузумут таҳрир» ва бошқа матнларни ёд олади. Кейин Азҳарга кириб, ўқишни давом эттиради.

Хуллас, Қоҳирага таълим олиш учун келган шу зот аввалига илм олиш борасида сезиларли натижаларни қўлга кирита олмади. Ҳарчанд уринмасин, кўзланган мақсад ҳосил бўлмас эди. Ҳатто, иш шу даражага етдики, илм толиби бўлган Алий Шабромаллисий бир оз умидсизликка ҳам тушди.

Ўша маҳзун кунларнинг бирида ёнига бир киши келиб: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўқиладиган бир салавотни ўргатаман, уни ҳар куни шом билан хуфтон оралиғида ўқисанг, иншааллоҳ, илминг ривож топади», деб айтади. Салавот қуйидагича эди:

«Аллоҳумма солли ʼала саййидинаа Муҳаммадин ва аълиҳи камаа лаа ниҳаята ликамаалика ва ʼадада камаалиҳи».

Шайх Шабромаллисий ушбу салавотни шом билан хуфтон оралиғида ўқий бошлайди.

Аллоҳ таоло мана шу салавотнинг баракотидан илмига шу даражада ривож ва зиёдалик ато этадики, ҳатто «Шифо» китобига шарҳ ва «Байзовий» тафсирига ҳошия ёзган Шихобиддин Хофажий у кишининг ҳузурида ўтириб, бир қоғозни олиб, ёзган нарсаларида бир оз ўзгартириш керак бўлган ўринларни топиб, тўғрилаб ўтирар эди. У шанбадан бошлаб, то жума кунигача тушунмаган нарсаларини ёзиб борар, жума куни эса Алий Шабромаллисийнинг масжидига келиб, бирма-бир савол бериб, жавоб олар эди. Ўшанда шайх Хофажий ерда ўтирган ҳолида ёзиб олар, Али Шабромаллисий эса курсида ўтириб жавоб берарди. Шайх Шабромаллисий кўзи ожизлигига қарамай, ёддан Хофажийга жавоб айтарди. Шу ўринда шайх Шихобиддин Хофажий билан ҳам яқинроқ танишиб олсак.

Шайх Шихобиддин Хофажий таниқли олим бўлиб, 13 мужалладдан иборат шеърый услубда ёзилган «Хизанатул адаб» китобининг муаллифи Абдулқодир Бағдодийнинг устози эди. Абдулқодир Бағдодий беш минг қасидани ёд олган эди. Бу юз минг байтга тўғри келади. У устози ҳақида гапириб: «Мен у кишининг денгиздек илмидан бир томчисига эга бўлдим холос», деган эди.

Сўзим сўнгида илм талабида юрган талаба йигитлар, дўстларимизга ушбу салавотни шом билан хуфтон оралиғида ўқиб юришни тавсия қиламан.

«Аллоҳумма солли ъала саййидинаа Муҳаммадин ва аълиҳи қамаа лаа ниҳаята лиқамаалика ва ъадада қамаалиҳи».

Маъноси: Аллоҳим, Сенинг қамолинг ва унинг бениҳоя адади миқдорича Муҳаммад алайҳиссаломга ва у зотнинг оилаларига салавот ва салом йўлла.

Анвар Турсунов таржимаси

«Ҳилол» журнали 3 (60) сон